ISSN 2181-6833

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

1930

ISSN 2181-6833

# PEDAGOGIK MAHORAT

2

2023



https://buxdu.uz

ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2-son (2023-yil, mart)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2023**

https://buxdu.uz

**PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**
**2023, № 2**

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo‘yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo‘lgan zaruriy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O‘zbekiston Respublikasi,Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY’ATI:**
**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich– pedagogika fanlari doktori, professor
**Mas’ul kotib:** Sayfullayeva Nigora Zakiraliyevna – pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*
*Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Navro‘z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Rasulov To‘lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), dotsent*
*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G‘arbiy Universitet, Bolgariya)*
*Andriyenko Yelena Vasilyevna pedagogika fanlari doktori, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti Fizika, matematika, axborot va texnologiya ta’limi instituti, Novosibirsk, Rossiya)*
*Romm Tatyana Aleksandrovna pedagogika fanlari doktori, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti Tarix, gumanitar va ijtimoiy ta’lim instituti, Novosibirsk, Rossiya)*
*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)*
*Hamroyev Alijon Ro‘ziqulovich – pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent*
*Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)*
*Tadjixodjayev Zokirxo‘ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor*
*O‘rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*
*Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Chariyev Irgash To‘rayevich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Qiyamov Nishon Sodiqovich, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor*
*Shomirzayev Maxmatmurod Xuramovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Ro‘ziyeva Dilnoza Isomjonovna, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc)*
*To‘xsanov Qahramon Rahimboyevich, filologiya fanlari doktori, dotsent*
*Nazarov Akmal Mardonovich, psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent*
*Jumaev Rustam G’aniyevich, siyosiy fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent*
*Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent.*
*Navruz-Zoda Layli Baxtiyorovna, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)*



https://buxdu.uz

# ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
## Научно-теоретический и методический журнал
## № 2, 2023

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 декабря 2016 года журнал включён в перечень изданий, рекомендованных для публикации научных результатов статей по направлениям «**Педагогика»** и «**Психология»**.

Журнал основан в 2001 году.
Журнал выходит 6 раз в год.

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

**Учредитель: Бухарский государственный университет**

**Адрес редакции:** 200117, Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.
E-mail: nashriyot_buxdu@buxdu.uz



**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор
**Ответственный редактор:** Сайфуллаева Нигора Закиралиевна – доктор философии педагогических наук (PhD)

*Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук*
*Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор*
*Навруз-заде Бахтиёр Нигматович, доктор экономических наук, профессор*
*Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*
*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*
*Расулов Тулкин Хусенович, доктор физико-математических наук, доцент*
*Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)*
*Андриенко Елена Васильевна (Институт физико-математического, информационного и технологического образования НГПУ, Новосибирск, Россия )*
*Ромм Татьяна Александровна (Институт истории, гуманитарного, социального образования ФГБОУ ВО НГПУ, Новосибирск, Россия )*
*Чудакова Вера Петровна, кандидат психологических наук (Национальная академия педагогических наук Украины, Украина)*
*Хамроев Алижон Рузикулович, доктор педагогических наук (DSc), доцент*
*Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор*
*Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)*
*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*
*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*
*Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*
*Дурдиев Дурдимурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*
*Олимов Ширинбой Шарофович, доктор педагогических наук, профессор*
*Чариев Ирғаш Тураевич, доктор педагогических наук, профессор*
*Киямов Нишон Содикович, доктор педагогических наук, профессор*
*Шомирзаев Махматмурод Хурамович, доктор педагогических наук, профессор*
*Рузиева Дилноза Исомжоновна, доктор педагогических наук, профессор*
*Курбонова Гулноз Негматовна, доктор педагогических наук (DSc)*
*Тухсанов Кахрамон Рахимбоевич, доктор филологических наук, доцент*
*Назаров Акмал Мардонович, доктор философии психологических наук (PhD), доцент*
*Жумаев Рустам Ганиевич, доктор философии политических наук (PhD), доцент*
*Зарипов Гулмурот Тохирович, кандидат технических наук, доцент*
*Навруз-заде Лайли Бахтиёровна, доктор философии экономических наук (PhD)*




https://buxdu.uz

# PEDAGOGICAL SKILLS
## The scientific-theoretical and methodical journal
### № 2, 2023

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 29, 2016, the journal was included in the list of publications recommended for publishing scientific results of articles in the areas of «**Pedagogy**» and «**Psychology**».

The journal was founded in 2001.
The journal is published 6 times a year.

The journal is registered by the Bukhara Department of the Agency for Press and Mass Communication of Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

**Founder: Bukhara State University**

**Publish house:** 200117, Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
E-mail: nashriyot_buxdu@buxdu.uz



**EDITORIAL BOARD:**

**Chief Editor:** Pedagogical Sciences of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov.
**Editor:** Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD), Nigora Z. Sayfullaeva

*Doctor of Economics Sciences Prof. Obidjon X. Xamidov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Uzokboy Sh. Begimkulov*
*Doctor of Economics Sciences, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Holboy I.Ibragimov*
*Doctor of Physical and Mathematical Sciences (DSc), Doc. Tulkin Kh. Rasulov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Andrienko Yelena Vasilyevna (Russia)*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Romm Tatyana Aleksandrovna (Russia)*
*Candidate of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)*
*Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Doc. Alijon R. Hamroev*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova*
*Doctor of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)*
*Doctor of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev*
*Doctor of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov*
*Doctor of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva*
*Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev*
*Doctor of Economics, Prof. Nasir N. Mahmudov*
*Doctor of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov*
*Doctor of Pedagogical Science, Prof. Irgash T. Chariev*
*Doctor of Pedagogical Science, Prof. Nishon S. Kiyamov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Maxmatmurod X. Shomirzaev*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Dilnoza I. Ruzieva*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Gulnoz N. Qurbonova*
*Doctor of Philology, Doc. Qahramon R.Tuxsanov*
*Doctor of Psychology, Doc. Akmal M. Nazarov*
*PhD in Political Sciences, Doc. Rustam G.Jumaev*
*Candidate of technical sciences, Doc. Gulmurot T. Zaripov*
*PhD in Economics Sciences, Layli B. Navruz-zade*




https://buxdu.uz

## MUNDARIJA


| № | Familiya I.Sh. | *Mavzu* | Bet |
|---|---|---|---|
| | | **DOLZARB MAVZU** | |
| 1. | ***ЭЛОВ Зиёдулло Сатторович*** | Девиант хулқ –атворли ўсмирлар муаммосининг илмий асослари ҳақида психологик ёндашувлар ва таҳлиллар | 7 |
| | | **PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA** | |
| 2. | ***AMONOV Mirjon Namozovich*** | Ijtimoiy-pedagogik faoliyatning mazmun-mohiyati va xususiyatlari | 12 |
| 3. | ***ASRANBAYEVA Munojat Xalimjanovna*** | Bolaning jamiyatga moslashuvida rivojlantiruvchi muhitning o‘rni | 17 |
| 4. | ***DILOVA Nargiza Gaybullayevna*** | Ijtimoiy-gumanitar fanlarni o‘qitish jarayonida bo‘lajak o‘qituvchilarni shaxslararo munosabatlarga tayyorlashning pedagogik texnologiyalari | 23 |
| 5. | ***DJURAYEVA Lola Rustamovna*** | Tanqidiy fikrlash pedagogik kasbiy ko‘nikmalarni rivojlantirishning asosiy omili sifatida | 27 |
| 6. | ***IKRAMOV Amirbek Aminovich*** | Ta’limning raqamli transformatsiyasi -- barqaror rivojlanish omili sifatida (“Jismoniy tarbiya” fani misolida) | 31 |
| 7. | ***JUMAYEVA Mehribon Abduvohitovna*** | Bo‘lajak o‘qituvchilarni kreativ yondashuv asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash pedagogik muammo sifatida | 38 |
| 8. | ***OMONOVA Nilufar Omon qizi*** | Kooperativ yondashuvni rivojlantirishning o‘rni va ahamiyati | 44 |
| 9. | ***SADULLAYEV Ibrat Shuxratovich*** | Sirtqi ta’lim shaklining o‘ziga xos xususiyatlari | 49 |
| 10. | ***TILAVOV Muxtor Xasan o‘g‘li*** | Rahbar kadrlarga psixologik xizmat ko‘rsatishning ijtimoiy-psixologik asoslari | 54 |
| 11. | ***TO’YCHIYEVA Shoyista Jumaboyevna*** | Kichik maktab yoshidagi bolalar emotsional sohasini o’yin terapiyasi vositasida psixokorreksiyalash | 59 |
| 12. | ***TUYCHIYEV Ashurali*** | O'yinlar vositasida o'quvchilarda intizomli munosabatni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayon va unga ta’sir etuvchi omillar | 64 |
| 13. | ***JO‘RAYEV Akmal Razzoqovich, XALLOQOVA Oygul Olimovna*** | Zamonaviy yondashuvlar asosida texnologiya darslarni tashkil etish zarurati | 69 |
| 14. | ***XUDAYBERGANOV Shuhrat Shavkat o‘g‘li*** | Akademik erkinlikning antropopedagogik asoslari | 76 |
| 15. | ***ZARIPOV Lochin Rustamovich*** | Bo‘lajak texnologiya o‘qituvchilarning kasbiy tayyorgarligida kredit-modulli o‘qitishning ahamiyati | 80 |
| 16. | ***ИСМОИЛОВА Нуржахон Зухуриддиновна*** | Талабаларда оптимистик позиция ва стрессга барқарорликнинг ўзаро боғлиқлиги | 85 |
| 17. | ***НАЗАРОВ Акмал Мардонович*** | Илмий-инновацион фаолият психологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида | 89 |
| 18. | ***НУРАБУЛЛАЕВ Танирберген Алламбергенович*** | Инновацион етакчилик фаолиятининг ижтимоий-психологик табиати | 93 |
| | | **MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA’LIM** | |
| 19. | ***RAHMONOVA Dilnavoz Muxitdinovna*** | Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilari mashg‘ulotlarda o‘yin innovatsion o'qitish metodikasidan foydalanishi | 98 |
| 20. | ***HAMROYEV Shuhrat Eliyevich*** | Boshlang`ich sinf o`quvchilarini ma`naviy-axloqiy tarbiyalashda “Ustodi avval”dan foydalanish imkoniyatlari | 103 |
| 21. | ***NE’MATOVA Flora Baxtiyor qizi*** | Boshlang’ich sinf o’quvchilarining o’qish darslarida kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirish samaradorligi | 108 |
| 22. | ***НИЯЗОВА Гулбахор Давроновна*** | Роль предметно-развивающей среды в организации повседневной жизни детей | 115 |
| 23. | ***FARMONOVA Shabon Muxamadovna*** | Boshlang‘ich ta’lim mazmunini yangilash va xalqaro baholash | 122 |




https://buxdu.uz

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | **FILOLOGIYA VA TILLARNI O‘QITISH** | |
| 24. | ***OMONOVA Dildora Nekmurod qizi*** | Integrativ yondashuv asosida ona tili va o’qish savodxonligi darsligida “Chumolining jasorati” mavzusidagi hikoyani o’qitish mashg’ulotining umumiy qurilishi | 127 |
| 25. | ***UMUROVA Ma’rifat Yoshiyevna*** | O‘quvchilarni ma’naviy-axloqiy shakllantirishda xizmat qiladigan xalq qo‘shiqlarining o‘ziga xos xususiyati | 132 |
| 26. | ***ИСРАИЛОВА Илона Халитовна*** | Эффективность обучения медицинскому английскому языку при формировании коммуникативных навыков посредством аутентичных фильмов | 136 |
| | | **ANIQ VA TABIIY FANLARNI O‘QITISH** | |
| 27. | ***RASHIDOV Anvarjon Sharipovich, NURIDDINOV Javlon Zafarovich, ISAQOVA Umida Hamraqul qizi*** | Chiziqli differensial tenglamalar sistemasini yechishda interfaol usullarning qo’llanilishi haqida | 143 |
| 28. | ***JO‘RAYEV Akmal Razzoqovich, SHADIYEVA Nigora Sharipovna*** | Dasturiy ta’lim vositalari asosida talabalarning geografik obyektlarni 3D loyihalash va modellashtirish kompetentligini rivojlantirish modeli | 149 |
| 29. | ***МАРДОНОВ Санжар*** | Совершенствование лабораторных курсов по биохимии для студентов медицинских вузов с использованием электронного учебника | 156 |
| 30. | ***САФАРОВА Нафиса Сулаймоновна*** | Электрокимё асослари мавзусини интегратив ёндашув асосида ўқитиш методикаси (Тиббий кимё курси мисолида) | 160 |
| | | **JISMONIY MADANIYAT VA SPORT** | |
| 31. | ***XODJAYEV Ravshan Ilxanovich*** | O‘zbekistonda jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar | 166 |
| | | **SAN’AT** | |
| 32. | ***BO’RIBOYEVA Dilraboxon Norboy qizi*** | Muhandislik grafikasi fanlarini o‘qitishning innovatsion usuli | 170 |
| 33. | ***RO‘ZIYEV Erkin Iskandarovich, TOJIYEV Javlon Karimboyevich*** | Texnologiya o‘qituvchilari tayyorlashda xalq hunarmandchiligi va amaliy san’ati ta’limi mazmunini takomillashtirish | 177 |
| 34. | ***ОСТОНОВА Гулшод Раззоқовна*** | Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок этиш ва тасаввур қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муаммолари | 187 |
| 35. | ***SODIQOVA Aziza Hayitovna*** | Tikuvchilik buyumlarini loyihalash jarayonida “easy design” (sodda loyiha) interfaol metodi | 191 |
| | | **TA’LIM MENEJMENTI** | |
| 36. | ***САИДОВА Зилола*** | Генезис и современное состояние теории и практики системы управления в системе образования | 197 |
| | | **MA’NAVIYAT VA TARBIYA** | |
| 37. | ***BURXANOV Taxir Maxammatjonovich*** | Bo‘lajak ofitserlarda ma’naviy fazilatlarni takomillashtirishning o‘ziga xos jihatlari | 201 |
| 38. | ***ORTIQOV Oybek Rustamovich*** | Talabalarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishda Husayn Voiz Koshifiyning ta’limotidan foydalanish | 206 |
| | | **PEDAGOGIK TA’LIMOTLAR TARIXI** | |
| 39. | ***ИЗБУЛЛАЕВА Гулчехра Валериевна*** | Дидактические произведения как основа средств воспитания | 211 |
| 40. | ***QODIROVA Aziza Bekmurodovna*** | Sayyid Burxoniddin Muhaqqiq Termiziy ijodida ijtimoiy-axloqiy munosabatlar | 216 |




https://buxdu.uz

# ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ИДРОК ЭТИШ ВА ТАСАВВУР ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

***Остонова Гулшод Раззоқовна,***
*Тасвирий ва амалий санъат кафедраси*
*p.f.f.d (PhD) ўқитувчиси*

*Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг тасвирий санъат фанида санъат асарларини идрок этиш ва тасаввур қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муаммолари ва педагигок воситалар орқали ривожлантириш ҳақида сўз борган. Педагогик методлар оғзаки, кўргазмали, амалий ёрдамида ўрганилди. Таълимнинг оғзаки методи тушунтириш, ҳикоя, маъруза, суҳбат, таълимнинг амалий методлари ижодий, ёзма таҳлил, ёзма синов тест, педагогика таълим воситаларидан аудио материаллар, видео материаллар, мусиқа, тақдимот, музей экспонатлари, кўргазмали қуролларидан фойдаланилди. Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок этиш ва тасаввурини ривожлантиришда педагогик-психлогик муаммолари ўрганилганлиги. Шу қаторда тасвирий санъат ўқитувчиларининг касб малака савиясини ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *тасвирий санъат, педагогика, метод, восита, идрок, тасаввур, ўқувчи, ўқитувчи.*

## ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ОСОБЕННОСТЕЙ ВОСПРИЯТИЯ И ВООБРАЖЕНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ СТУДЕНТАМИ

*В данной статье рассматривается развитие специфических особенностей восприятия и воображения художественных произведений в изобразительном искусстве учащихся общеобразовательных школ через учебные задачи и педагогические средства. Педагогические методы изучались с использованием устных, наглядных и практических методов. Объясняется устный метод обучения, использовались рассказ, лекция, беседа, практические методы обучения, творческий, письменный анализ, письменный контроль, педагогические средства обучения, аудиоматериалы, видеоматериалы, музыка, презентации, музейные экспонаты, наглядные пособия. Изучены педагогико-психологические проблемы развития восприятия и воображения художественных произведений учащимися. Кроме того, обсуждались особенности профессионально-квалификационного уровня учителей изобразительного искусства.*

***Ключевые слова:*** *изобразительное искусство, педагогика, метод, инструмент, восприятие, воображение, ученик, учитель.*

## PROBLEMS OF STUDYING THE SPECIFIC CHARACTERISTICS OF PERCEPTION AND IMAGINATION OF WORKS OF ART BY STUDENTS.

*In this article, the development of specific characteristics of perception and imagination of works of art in visual arts of students of general secondary schools through learning problems and pedagogical tools. Pedagogical methods were studied using oral, visual, and practical methods. The oral method of education is explained, story, lecture, conversation, practical methods of education, creative, written analysis, written test, pedagogic educational tools, audio materials, video materials, music, presentation, museum exhibits, visual aids were used. Pedagogical-psychological problems in the development of perception and imagination of works of art by students have been studied. In addition, the special characteristics of the professional qualification level of visual art teachers were discussed.*

***Key words:*** *Fine art, pedagogy, method, tool, perception, imagination, student, teacher.*

**Кириш.** Тасвирий санъат асарларини бадиий идрок қилиш шахсдан бевосита асарлардаги тимсолларда ифодаланган хулқ-атвор мотивлари, уларнинг ҳаракат хусусиятлари, асарда акс эттирилган умумий мазмун, предметлар, ранглар ва юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда ҳиссий-эмоционал идрок қобилиятига эга бўлиш зарурлигини талаб қилади.



https://buxdu.uz

Санъат асарларини идрок этишда аналитик-схематик ёндашув сюжет умумий ҳолатини тез фаҳмлаб олишга имкон берса, уни ҳиссий идрок этиб, муаллиф ғоясини билиб олиш имкониятини пасайтиради.

Психологик-педагогик муаммолардан навбатдагиси – ўсмирлик даври бошланиши билан ўсмирлар шахсидаги психофизиологик ўзгаришлар ва бадиий, жумладан, тасвирий санъат намуналарини идрок этишда қўлланилиб келаётган услубий ёндашув орасидаги тафовутдир. Бир томондан 5-7-синф ўқувчиларида ўз ёш даврига хос билиш ва ижодий фаолиятга, шу жумладан, тасвирий санъатни тушунишга бўлган эҳтиёж ва ҳаракат ошиб боради, иккинчи томондан, тасвирий санъат асарларини идрок этишга ўргатишда қўллаётган таълим усуллари ёш даврининг ўзига хос хусусиятларини етарли даражада қамраб олмаган бўлади.

Демак, энг катта муаммолардан бири таълимда ўқувчилар ёш хусусиятларининг етарли ҳисобга олинмаётганлиги билан боғлиқ. Тасвирий санъат дарсларида миллий маданият намуналарига эътибор талаб даражасида берилмаётганлиги ҳам ўқувчилар эстетик тарбиясида тўлиқ ишлатилмаётган потенциал имкониятларимиз борлигидан далолат беради. Бу тасвирий санъат бўйича умумий ўрта таълимдаги муаммолардан биридир. Мазкур жиҳат эса нафақат тасвирий санъатда, балки архитектура, шаҳарларимиз, қишлоқларимиз қиёфасини янгилашда ҳам кўзга ташланаяпти.

Тасвирий санъат дарсларини ўтиш учун ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлигимизни қисман қониқарли дейиш мумкин, аммо улар асосида замон талабида ишлайдиган тасвирий санъат бўйича махсус тайёрланган мактаб ўқитувчиларимиз сони кўп эмаски, бу сўнгги йиллари мазкур масалага етарлича эътибор қаратилмаётганлиги билан боғлиқ. Сўнгги ўн йил ичида олий таълим муассасаларида ушбу йўналиш бўйича ўқиган педагог кадрлар сон жиҳатидан ҳам, сифат (касбий малака) жиҳатидан ҳам халқ таълими эҳтиёжини қондира оляпти дейиш қийин. Умумий ўрта таълим мактаб ўқув юкламасида мазкур фанга ажратилган соатлар кўп бўлмаганлиги сабабли олий таълим муассасаларида ҳам тасвирий санъат йўналишига қабул квотаси кам ажратилади. Бу фанга бироз ўзгача муносабатда бўлингани учун (асосий фанлар сирасига кирмайди) тасвирий санъатдан дарс бераётганларнинг маълум қисми ўзга соҳа, йўналиш эгаси, яъни, номутахассислардир. Баъзи ҳолларда тасвирий санъат бўйича дипломга эга мутахассис бошқа фандан дарс беради.

**Асосий қисм.**

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришдаги иштирокчилар:

**Ўқувчилар**

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат асарларининг идрок ва тасаввур қилинишини ривожлантириш қилинишининг ўзига хос хусусиятлари

**Ўқитувчилар**

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг касб малака савиясини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш

Таълим олувчи ва таълим берувчининг маълум мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг муайян тизимга ва тартибга солинган йўл-йўриғи

Таълим усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятлари тушунилади. Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятининг қандай бўлишини, ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради.

- Оғзаки
- Кўргазмали метод
- Амалий метод

Таълимнинг оғзаки методи. Янги билимларни бериш усуллари билимлар манбаидир, яъни билимлар ҳамда таърифларни бериш;

- тушунтириш
- ҳикоя
- маъруза
- суҳбат

Ўқув материалларини ***тушунтириш*** – ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзунинг мазмунини характерлайдиган тушунча, таъриф, қонун ва қоидаларни уқтиришдир.

Тушунтириш методи орқали тасвирий санъат асарларини, ўқувчилар тасаввурларини ривожлантириш санъат асарлари таҳлили ёрдамида амалга оширилди.

***Суҳбат.*** Суҳбат таълимнинг кенг тарқалган усули. Бу усул савол – жавоб усули деб ҳам юритилади. Суҳбатнинг тўрт хил тури мавжуд бўлиб, улар; янги билимлар беришда, билимларни



https://buxdu.uz

мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материалларни такрорлашда қўлланадиган суҳбатлардир.

Тадқиқотимизда ўқувчилар билан суҳбатлашиш орқали уларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш ва уларни ривожлантиришда фойдаланилди.

***Ҳикоя қилиш*** – ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид омил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир.

Тадқиқотимизда асарлардаги сюжетлар ва асарлар тарихини ҳикоя қилиш орқали ўқувчиларда тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурлари ривожлантирилди.

Таълимнинг кўргазмали методлари. Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларининг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, шунингдек, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади.

Таълим жараёнида кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Ўқитишда намойиш этиш усулидан фойдаланиш материалларнинг характерига-мазмуни, шакли ва ҳажмига боғлиқдир.

- Намойиш методи
- Иллюстрация
- Экскурсия

Намойиш методи ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиб беришда қўл келади ва айни чоғда предметнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши ҳақида тўлақонли маълумот беришда кенг қўлланилади. Табиий объектларни намойиш қилишда одатда унинг ташқи кўриниши (шакли, ҳажми, миқдори, ранги, қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари)га эътибор қаратилади, сўнгра ички тузилиши ёки алоҳида хусусиятларини ўрганишга ўтилади.

Намойиш самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг билиш жараёни моҳиятан ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда тўғри танланиши ҳамда мумкин қадар уларнинг диққатини намойиш этилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига йўналтиришига боғлиқдир.

**Намойиш методининг таълим воситаларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурини ривожланитириш амалга оширилди.**

**Тасвир (иллюстрация)** методи намойиш методига чамбарчас боғлиқ бўлса-да, дидактикада алоҳида ўрганилади. Иллюстрация нарса, ҳодисалар ва жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, порт, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатишни тақозо этади.

**Тасвирнинг** самараси кўпинча ўқитувчи томонидан кўрсатув технологияси қай даражада ўзлаштирилганлигига боғлиқ бўлади. Кўрсатмалардан фойдаланишнинг билиш жараёнидаги дидактик аҳамияти ўрганилаётган объект моҳиятини тўлақонли ёрита олиши билан белгиланади. Аслида иллюстрациялар олдиндан тайёрланиб, дарс жараёнида зарур ўринларда керакли ҳажмда кўрсатилади, акс ҳолда улар сонининг ошиб кетиши ўқувчиларни ҳодиса моҳиятини англашда чалғитади. Айрим ҳолларда тарқатма материаллар (фотосурат, жадвал, табиий объектлар ва бошқалар) ёки техник воситалар хизматидан фойдаланишга тўғри келади.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда самарадорликка эришиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намойиш этилаётган объектлар барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намойишда унинг бошланғич босқичи ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намойиши макет, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намойиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

**Иллюстрация ва картиналар ёрдамида ўқувчиларда тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришда фойдаланилди.**

Таълимнинг ёрдамчи шаклларига ***экскурсиялар*** ҳам киради. Улар оммавий, гуруҳли ва кичик гуруҳли бўлиши мумкин. Ўқув экскурсиялари алохида фанлар ҳамда бир қанча фанлар бўйича ҳам режалаштирилади. Экскурсияни муваффақиятли ўтказиш учун ўқитувчи унга пухта тайёрланиши: объект ва маршрут билан олдиндан танишиб чиқиш, тўла режани ишлаб чиқиши, ўқувчиларни бўлажак топшириқларни бажаришга жалб эта олиши керак. Экскурсия режасида мавзу ва мақсад, объект, у билан танишиш тартиби, ўқувчилар идрок этиш фаолиятларини ташкил этиш, топшириқни бажариш учун зарур бўлган воситалар ва ускуналар, якун ясаш кўрсатилади. Экскурсияни ўтказиш



https://buxdu.uz

методикаси мавзу, дидактик мақсад, ўқувчиларнинг ёши, уларнинг ривожланиши ҳамда экскурсия объектига боғлиқ бўлади.

**Экскурсия методи орқали тасвирий санъат музейларидаги асарлар орқали ўқувчиларининг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришда фойдаланилди.**

Таълимнинг амалий методлари. Ўқитишнинг амалий усулларига ёзма машқлар (масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш), тажриба – лаборатория типидаги машқлар (фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиёт, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқалар); меҳнат топшириқларини бажариш усуллари киради. Амалий методлар ўқитишнинг оғзаки ва кўрсатмали методлари билан узвий бирликда қўлланилади. Ўқитишнинг амалий усулларидан фойдаланишнинг ижобий томони ўқувчиларни теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларини мустақил кузатишга бўлган қизиқишини кучайтиради, уларда мустақиллик, фаоллик ва ташаббускорлик ортади. Амалий иш тажрибалари – кўникма малакалари, ҳосил қилинади ва меҳнат маданияти ривожланади.

- Ижодий
- Ёзма таҳли
- Ёзма синов тест

***Ижодий машқ.*** Ушбу метод ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўзига хослик масаланинг моҳиятини чуқур англаш, уни бажаришга нисбатан мустақил ёндашиш, далилларни саралаш ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ижодий бажариш жараёнида билимларни қўллаш ва кенгайтириш каби ҳолатлар билан тавсифланади.

Билимлар манбаи ва материали сифатида аввал эгалланган ижодий ишлар тажрибаси, мавжуд билимлар, кузатувлар, шахсий тажриба, ўқилган ҳикоя, ижтимоий-фойдали ишларни бошқариш кабилар қайд этилади.

Ўқитувчининг раҳбарлиги: назарий материалларни ўзлаштирилишини таъминлаш, мавзуни ифодалаш, ижодий ишлар характерини белгилаш, уларнинг бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш, синтезлаш, хатони кўрсатиш ҳамда тўғрилашдан каби ҳолатларда намоён бўлади.

**Ижодий иш орқали ўқувчиларнинг тасвирий санъат тасаввурларини ривожлантиришга йўналтирилди.**

***Ёзма*** машқлар – фикрни ёзма, матн воситасида баён ыилиш шакли. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб, уларнинг ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида қўлланилади. Диктант, иншо, масала, мисол, шунингдек, реферат ёзиш ва тажриба моҳиятини ёритиш ҳам ёзма машқлар сирасига киради.

**Ўқувчиларнинг тасвирий санъат тасаввурларини ривожлантиришда асарларнинг ёзма таҳлили орқали аниқланди.**

Тест (инглизчадан “test” – синаш, текшириш, ўрганиш) – аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси саналади.

**Тест методи.** Ушбу метод респондентлар томонидан муайян фан соҳами ёки фаолият (шу жумлдан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим ва амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қилади. Тест ўз моҳиятига кўра қуйидаги саволлардан иборат:

1. очиқ турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, батафсил жавоб беришлари учун имкон берувси саволлар);
2. ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар “ҳа”, “йўқ”, “қисман” ёки “ижобий”, “қониқарли”, “салбий” ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларги жавоб берадилар)
3. тўғри жавоб вариантлари қайд этилган саволлар (респондентлар ўз ёндашувларига кўра тўғри деб топган жавоб вариантини белгилайдилар)

Тест методини қўллашда аниқланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни туркум асосида берилишига эътибор бериш мақсадга муовофиқдир. Ушбу методнинг афзаллиги респондентлар жафобларини аниқ мезонлар бўйича таҳлил этиш имконияти мавжудлиги ҳамда вақтнинг тежалиши билан тавсифланади.

**Ёзма синов тест орқали ўқувчиларнинг тасвирий санъат фани назарий ва амалий илмлари аниқланди.**

***Педагогика таълим воситалари.***

Аудио материаллар

Видео материаллар

Мусиқа



https://buxdu.uz

Тақдимот
Музей экспонатлари
Кўргазма қуроллари

**Аудио** воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини берувчи магнитофон тасмаси, турли дисклар, бундан ташкари, мусиқа асбобларининг овози ва бошка табиий овозлар булиши мумкин.

Ҳозирда кўпроқ  аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтнинг ўзида эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли **видео** тасвирлардан фойдаланилади.

Бу педагогик воситалардан самарали фойдаланиш учун ўқувчининг  қобилияти, имконияти, хусусиятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Маълумки, ўкувчилар психологик  жиҳатлан ташқи ахборотни кўпроқ кўриш ёки эшитиш, шунингдек, бошқа сезги аъзолари ёки ҳаракатлар орқали яхширoқ эслаб қолиб ўзлаштирувчилар тоифаларига ажратилади. Бу тоифалар қуйидаги хусусиятлари билан фарқланадилар:

***Кўриш оркали хотирада сақловчилар*** — матн, схема, диаграмма, жадвалларни яхши эслаб қоладилар, хотираларида сақлайдилар ва қайта тиклай оладилар.

***Эшитиш орқали хотирада қолдирувчилар*** — матнни, унинг мазмунини кимнингдир овози оркали хотираларида сақлаб қоладилар.

***Ҳаракатлантирувчи куч орқали хотирада олиб қолувчилар*** —ёзиб-чизиб, тасвирлаб ёки қайта-қайта такрорлаш орқали хотираларида саклайдилар.

Умумий  ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурини ривожлантиришда аудио ва видео материаллардан фойдланилди.

**Аудио** материл: мавзуга оид  баҳор фаслини тараннум этувчи мусиқа ва эстрада йўналишида ижод қилган Зиёда Қобилованинг баҳор қўшиғидан фойдаланилди. Ўқувчиларни мусиқа ва қўшиқни эшитиб, шу баҳорни, тоғларни, қушлар сайрашиши эшитиб ва ҳоказоларни хаёлан тасаввур қилиб, ижод қилиб қоғозга тушириш учун фойдаланилди.

**Видео материл:** Видео материаллардан масалан 5- 6 синфлар учун  мавзуга оид баҳор фасли намойиш этилди. Шу билан бирга гўзал, тинч осойишта Ватан манзараси кўрсатилди. Шу тинчликка шукрона қилиш, қадрига етиш, осойишталик туфайли баҳорда Навруз байрамлари ўтказилиши айтиб ўтилиб,  баъзи бир нотинч давлатларда болалар ўқиёлмайқийналиб юрган болалар мисол келтирилиб видео материаалра кўрсатилди. Ватанни севиш ардоқлаш, ҳар бир қарич ерини қадрига етиш, шу Ватанга мос ақлли зукко, етук фарзандлар бўлиб етишиш имкони борлиги айтиб ўтиш мақсадида видео материаллар мисо тариқасида намойиш этилди.

Яна 7-синфлар учун мавзу бўйича портрет ишлари босқичлари видео материали ва рассом Малик Набиевнинг “Амир Темур”  портрети  асарини таҳлил қилиш ва ўрганиш учун ўқувчиларга бизлар кимларнинг авлоди эканимиз ҳақида қисқача видео материалдан фойдаланилди. Мавзу бўйича “Амир Темур” портретини яратилиш тарихи ҳақида видео материалидан фойдаланилди.

Рассом Музаффар Абдуллаевнинг “Усто кулол” асарининг таҳлил қилиш мақсадида ўқувчиларга меҳнатни севиш, ҳунарли киши хор бўмаслиги ва ҳар қанча ўқимасин инсонда ҳунар бўлиши кераклиги  ва ҳар бир инсоннинг ота мерос ҳунарини  давом эттириши кераклилиги ҳақида қисқача видео материалдан фойдаланилди.

Ривожлантирувчи таълим ўқувчиларнинг ички имкониятлари ошириш ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ривожлантирувчи таълимда, кўпроқ, тренинглардан фойдаланилади. Тренинглар таълим олувчиларда муайян билимларни пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда самарали қўллай олишга доир кўникма-малакаларни шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда тақдимотлардан ҳам самарали фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Мазкур метод таълим олувчиларда ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурини ривожлантиришда мавзу юзасидан ҳар бир синф кесимида масалан; баҳор манзараси ишлаш ёки портрет  композицияси мавзусида ишлаш йўллари  кўрсатилган тақдимотлардан фойдаланилди. Тақдимотлар орқали ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқишлари бойитилди ва қизиқтирилди, уларнинг ҳам зўр тасвирий санъат асарларини яратиш ва ишлашнинг йўллари кўрсатилди. Ўқувчилар тақдимотга қараб ўзлари ижод қилдилар.

**Кўргазмали** методларнинг намойиш, тасвирлаш, экскурсия каби турлари мавжуд.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;



https://buxdu.uz

- намойиш этилаётган объектларнинг барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намойишда бошланғич босқич ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намойиши макет, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намойиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришда тажриба дарсларида мавзу асососидаги кўргазмали қуроллардан фойдаланилди. Ўқувчиларнинг тасвирий санъат тасаввурини ривожлантириш мақсадида кўргазмали асарлар ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинди. Кўргазмали қуроллар орқали асарлар таҳлил қилиниш натижасида ўқувчилар асарни ўзлари ижод қилиш қизиқишлари янада ортиб борди.

**Экскурсия** нарса ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки махсус муассасалар (музей, кўргазма заллари ва ҳ.к.)да бевосита ўрганилишини ташкил этишдир.





**Хулоса.**

Умумий ўрта таълим тизимида тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларини режа бўйича тасвирий санъат музейларига экскурсия ташкил этилди. Тасвирий санъат музейида асарларни таҳлил қилишда музей ходими ёрдамидан фойдаланилиб асарлар таҳлил қилинди. Музейда рассомлар Малик Набиевнинг “Амир Темур” портрети асари, Ўрол Тансиқбоевнинг “Менинг дуторим” асари чуқуррoқ таҳлил қилинди. Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок этиш ва тасаввур қилинишини ривожлантиришда аудио ва видео материаллардан фойдаланилди.

**Адабиётлар:**

1. Орипов Б. Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси. Методик қўлланма. – Т.: Илм-зиё, 2013.
2. Ж. Ҳасанбоев, Ҳ. Сарибоев, Г.Ниёзова, О. Ҳасанбоева, М. Усмонбоева. “Педагогика” ўқув қўлланма – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти – 2006
3. Б.Н. Орипов. “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” Методик қўлланма. – Илм зиё – Тошкент 2013.
4. Абдурасулов С.Ф. Тасвирий санъат методикаси.- Тошкент, 2006



https://buxdu.uz

## “PEDAGOGIK MAHORAT” JURNALI UCHUN MAQOLALARNI RASMIYLASHTIRISH TALABLARI

**“PEDAGOGIK MAHORAT” ilmiy jurnali mualliflari diqqatiga!**

1. “**PEDAGOGIK MAHORAT**” ilmiy jurnali ilmiy maqolalarni o‘zbek, rus va ingliz tillarida chop etadi.

2. E’lon qilinadigan maqolalarga bo‘lgan asosiy talablar:
- ✓ ishning dolzarbligi va ilmiy yangiligi;
- ✓ maqolaning hajmi: adabiyotlar ro‘yxati, chizma va jadvallar inobatga olingan holatda 4-8 betgacha;
- ✓ maqola nomi, annotatsiya (80-90 ta so‘z) va tayanch so‘zlar (8-10 ta) ingliz, o‘zbek va rus tillarida keltiriladi.

3. Maqola boshida UDK (udc.online internet saytidan olishingiz mumkin), mavzu, muallifning F.I.O. (to‘liq yozilishi kerak), mualliflar bir nechta bo'lsa, ularning har biri haqida to'liq ma'lumotlar berilishi shart, tashkilot, shahar, mamlakat, muallifning e-maili ko‘rsatiladi. Matnda kirish qismi, tadqiqot obyekti va qo‘llanilgan metodlar, olingan natijalar va ularning tahlili, xulosa, adabiyotlar ro‘yxati, albatta, keltiriladi. Maqolada keyingi 10-15 yilda e’lon qilingan adabiyotlarga havola qilinishi tavsiya etiladi.

4. Matn uchun: Microsoft Word; Times New Roman, 11 shrift, maqola nomi bosh harflarda, interval 1,0; abzas 1,0 sm, yuqori va pastki tomon 2 sm, chap va o‘ng tomon 2 sm.

5. Agar maqolaga rasm, jadval, diagramma, sxema, chizma, turli grafik belgilar kiritilgan bo‘lsa, ular aniq va ravshan tasvirlanishi, qisqartmalarning to‘liq izohi yozilishi lozim. Formulalar matnga maxsus kompyuter dasturlarida kiritilishi kerak.

6. Iqtibos olingan yoki foydalanilgan adabiyot satr osti izohi tarzida emas, balki maqola oxirida asosiy matndagi ketma-ketligi asosida umumiy ro'yxatda ko'rsatiladi. Matn ichidagi ko'chirmadan so'ng iqtibos olingan asarning ro'yxatdagi tartib raqami va sahifasi kvadrat qavs ichida beriladi. Bu o'rinda kitob, to'plam, monografiyalar uchun mualliflarning ism-familiyalari, manbaning to'liq nomi, nashr ko'rsatkichi (shahar, nashriyot va nashr yili) ko'rsatiladi. Jurnal maqolalari va boshqa davriy nashrlar uchun mualliflarning ism-familiyalari, maqola nomi, jurnal nomi, yili va soni, sahifa nomeri ko'rsatiladi.

7. Maqola matni kamida 70-80 % muallifning shaxsiy izlanishlari natijasiga asoslanishi lozim. Topshirilgan maqolalar “Antiplagiat” tizimi yordamida tekshiriladi.

8. Tahririyatga taqdim qilingan maqolalar tahririyat tomonidan taqrizga beriladi. Maqola taqrizdan qaytgach, agar zarur bo'lsa, barcha savol va e'tirozlar bo'yicha muallifga qayta ishlash uchun taqdim etiladi. Maqola nusxalari qaytarilmaydi.

9. Tahririyat maqolani taqrizga yuboradi, taqriz ijobiy bo‘lsa maqola jurnalda chop etish uchun qabul qilinadi. Jurnalda anjuman tezislari va ma’ruzalari chop etilmaydi. **E’lon qilingan materiallarning haqqoniyligiga va ko‘chirilmaganligiga shaxsan muallif javobgardir.**

10. Tahririyat maqolaga ayrim kichik o‘zgartirishlarni kiritishi mumkin. Yuqoridagi talablarga javob bermaydigan maqolalar tahririyat tomonidan ko‘rib chiqilmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

11. Ijobiy taqriz berilgan maqola tahririyat tomonidan qabul qilingan sanaladi. Jurnal tahririyati maqola matnini qisqartirish va unga tahririy o‘zgartirishlar kiritishga haqlidir.

12. Yuqoridagi talablarga javob bermaydigan maqolalar tahririyat tomonidan qabul qilinmaydi va ko‘rib chiqilmaydi.

**Manzil:** O’zbekiston Respublikasi, Buxoro viloyati, 200117, Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi, 11-uy, bosh bino, 2-qavat, 219-xona.

***Web site:*** www.buxdu.uz

***E-mail:*** nashriyot_buxdu@buxdu.uz

***Telegram raqami:*** +998 (94) 837-18-38.



https://buxdu.uz




Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
“PEDAGOGIK MAHORAT”
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta’lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 219-xona

**Tahririyat rekvizitlari:**
Moliya vazirligi g‘aznachiligi
23402000300100001010
MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275
**BuxDU** 400110860064017094100079001

***Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!***

**PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2023-yil 2-son (90)**

**2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.**

**OBUNA INDEKSI: 3070**

**Buxoro davlat universiteti nashri**

Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.

Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.

**Nashr uchun mas’ul:**
**Nigora SAYFULLAYEVA**
**Musahhih: Sarvinoz RAXIMOVA**
**Muharrir: Mexrigiyo SHIRINOVA**

Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.

Bosishga ruxsat etildi 30.03.2023
Bosmaxonaga topshirish vaqti 31.03.2023
Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8
Tezkor bosma usulda bosildi.
Shartli bosma tabog‘i – 20,6
Adadi – 100 nusxa
Buyurtma № 21
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.



https://buxdu.uz